



# Ishonch

**Мурувват барча бермакдур, емак йўқ, Футувват барча қилмоқдур, демак йўқ.**  
— Алишер НАВОЙИ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси газетаси

Газета 1991-йил 21-мартдан чиқа бoshлаган

Тошкент — 2200 ёшда

## Буюк мутафаккир номидаги кўча

Алишер Навоий кўчаси — Тошкент шаҳрининг тарихий, йирик ва марказий кўчаларидан бири. Шаҳарнинг Амир Темур ва Беруний кўчалари оралигида жойлашган, узунлиги тўрт километрдан узунроқ бўлган бу кўчани пойтахтимизнинг қон томирларидан десак, янглишмаймиз. Кўчанинг ҳар икки тарафида қад ростлаган бир-биридан гўзал, ҳашаматли, замонавий бинолар меҳмон ва сайёҳларнинг эътиборини тортади.

Суратларда: пойтахтимиздаги Алишер Навоий кўчасидан фотолавлалар.  
Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар



## Бор бўл, оқибат!

**Мурувватли бўлиш — инсонга хос хислат. Бундай хайрли ишларда касба уюшма ташкилотининг ўрни бекиб. Шу босқам таъминланган, кўп болали оилалар ҳамда боқувчисини йўқотган одамларга доимо эътибор қаратамиз.**

### Кўмакка шаймиз

Яқинда туманидаги 20 нафар кўмакка муҳтож кишига ёрдам кўрсатилди. Туманда кўп йиллар ишлаб, айна пайтда қариллик гаштини сураётган муаллимларни ҳар жихатдан қўллаб-қувватлаб келаямиз.

Касба уюшма оталигига олганлардан бири 109 ёшли Шарбат момо саналади. Онахоннинг аҳолидан муттасил хабар оламиз. Имкон қадар ёрдамлашига интиламиз. Бир сўз билан айтганда, одамларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш қундалик ишимизга айланган.

**Бахтиёр ВАЛИЕВ,**  
Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Иштихон туман кенгаши раиси

**Таълимни ривожлантириш, ёшларни замон талабларига мувофиқ тарбиялашда касба уюшмалари ҳам муносиб улуғ қўшмоқда.**

### Касба уюшма ёрдами

Жумладан, кам таъминланган ва кўп болали ўқитувчилар оилалари моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланиб, муаллимлар учун сиҳат-гоҳларга йўланмалар йил сайин кўпроқ ажратилмоқда.

«Чортоқ» сиҳатгоҳида бўлиб ўтган семинар-йиғилиш қарорига кўра, узоқ қишлоқларда жойлашган мактаблар учун зарур техника воситалари ажратилди. Чунинчи, Уйчи туманидаги 7-, 34-мактаблар учун Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан энг замонавий компютерлар, Норин туманидаги 44-мактаб ва 10-болалар боғчаси учун ҳам компютер ҳамда видеоўйинли компютер, Чортоқ туман халқ таълими бўлими учун видеопроектор совға қилинди.

Ўз мухбиримиз

**Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Сирдарё вилоят кенгаши хайрли тadbирларни амалга оширди.**

### Кўнгил тоғдек кўтарилди

Боёвут туманидан Рухсатой Хожамқулова, Гулистон туманидан Шариф Нурматов, Сирдарё туманидан Матлуба Камарова каби ўнлаб оила вакилларига бир бошдан қорамол топширилди.

— Бундай тўхфадан кўнглимиз тоғдек кўтарилди, — дейди Сардоба туманидан Маъсуда Бобохонова. — Қишлоқда яшайдиган ҳар бир оила ўзининг соғин ситири бўлишини хоҳлайди. Биз ҳам анчадан буён шу орзуда эдик. Касба уюшмаларининг саховатидан чексиз миннатдоримиз.

Ўз мухбиримиз

**Наманган шаҳридаги 26-Меҳрибонлик уйида тadbир ўтказилди. Унда вилоят ва шаҳар прокуратураси томонидан меҳрибонлик уйига «Форланд» маркали юк автомобилли, замонавий телевизор ва DVD таълим этилиди. Вилоят тармоқ касба уюшма кенгаши раиси Р.Дехқонова битта қорамол, хоний ташкилотлар эса юмшоқ ўйинчоқлар тортки қилинди.**

### Болалар қувончи оламини тутсин!

«Панда-саноат-савдо» МЧЖ томонидан тadbир иштирокчиларига байрам дастурхони ёзилиб, педагоглар ва 55 нафар тарбияланувчига кийим-кечак берилди. Тadbирдан сўнг улар дам олиш учун Косонсой туманидаги «Умид» оромгоҳига жўнаб кетдилар.

**Тоҳиржон МАЪМУРЖОНОВ,**  
таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Наманган вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

**Самарқанд шаҳрида бир неча йилдан буён фаолият юритиб келаятган «Хайт» нодавлат ношароит ташкилоти ногиронлар кўмакчиси сарга айланган.**

### Кўмакчи

Улар ногиронлар ҳаёти, турмуш тарзини ўрганиб, имконият даражасида иш билан таъминлашга ёрдам кўрсатишапти. Ташкилот қошида бичиш-тиқиш, зардузлик, ҳайкалдорчилик тўғрақлари актив фаолият кўрсатмоқда.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**  
«Ishonch» мухбири

### Сардобанинг савобталаб одамлари

Йиқилганни суямоқ одамийликдир. Буни Қизил яримой жамиятининг Оқолтин тумани ташкилоти раҳбари Барчиной Иномжонова яхши билади. У тез-тез Ф.Ямалиддиновани йўқлаб уйига бориб турди. Имкон қадар ёрдам ҳам кўрсатади. Туманда 44 нафар шундай қария истиқомат қилади. Барчиной уларни ҳам унутиб қўйган эмас. Утган кунларнинг бирида бошқа савобталаблар билан баҳамжиҳат палов дамлаб, кексаларнинг дуосини олди.

Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғини, «Сардоба» пахта тозалаш корхонаси, солиқ инспекцияси, молия бўлими, санитария-эпидемиология назорати маркази, Оқолтин ижтимоий-иқтисодий ва саноат коллежи раҳбарияти билан ҳамкорликда саккиз нафар ёшнинг никоҳ тўйи ҳамда кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилди.

**Пиримкул ДЎСТМАМАТОВ,**  
«Ishonch» мухбири

### «Ishonch»га жавоб берадилар

**Денов туман Анбарсой қишлоқ фуқаролар йиғинига қаршли ўртақишлоқ маҳалла фуқаролар йиғини худудида яшовчи фуқаро У.Бекмуродовнинг тахририга табиий газ ва электр энергияси таъминоти қоникарсизлиги... нафақа пуллари нотўғри тайинланганлиги, ичимлик суви таъминотидаги муаммолар ҳусусида ёзган аризаси атрофлича ўрганиб чиқилди.**

### Ариза ўрганиб чиқилди

Ўрганиш жараёнида аҳолининг тўловларни вақтида амалга оширмаётгани электр энергиядан катта миқдорда қарздорликни вуҷудга келтиргани, бу эса чекловларни пайдо қилаётгани аниқланди. Табиий газ билан таъминлаш ишлари меъёрида бўлиб, бироқ маҳалланинг чекка худудларига аҳоли томонидан кичик ҳажмдаги газ қувурлари тортилгани туфайли қийинчиликлар юзага келган. Шунинг учун ҳам «Тумангаз» филиали томонидан бу ҳудуд 2010 йил мукамал таъмирлаш режасига киритилган.

Хозирги кунда фуқаро У.Бекмуродовнинг келинлари К.Хидирова ва Д.Турсунова фарзандлардан катта миқдорда қарздорлик нафақасини олаётгани, лекин кенжа ўғли Уткир Бекмуродовнинг оилавий шароити яхшилиги ва қўшимча даромадларини ҳисобга олиб, нафақа тайинлаш комиссияси томонидан рад этилгани маълум бўлди.

Мазкур масалалар юзасидан ариза муаллифига атрофлича тушунтириш берилди.

**А.ХОЖИКУЛОВ,**  
Денов туман ҳокими

### Тегишли хулоса чиқарилди

**Бухоро вилояти Жондор тумани «Хумин» қишлоқ фуқаролар йиғини Қилчок қишлоғида яшовчи Эргаш Юсуповнинг тахририга йўллаган аризаси мутасалли ходимлар иштирокида жойида ўрганиб чиқилди.**

Ҳақиқатан ҳам 2009 йил 16 февралда «Ҳамза» пахта қабул қилиш масканида маъмурий бинони йиқитиб қолган пайтда содир бўлган бахтсиз ҳодиса туфайли Эргаш Юсуповнинг ўғли Бобомурод Юсупов оғир тан жароҳати олиб вафот этган. Бу бахтсиз ҳодиса бўйича вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг буйруғига асосан текшириш ўтказилиб, тегишли ҳужжатлар белгиланган тартибда Жондор туман прокуратурасига юборилган.

Бахтсиз ҳодиса бўйича мансабдор жавобгар шахс пахта тозалаш заводининг қурилиш муҳандиси Г.Расуловга нисбатан жиноий иш қўзғатилган ва тергов ишлари давом этмоқда. Шунингдек, вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмасида меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири М.Саидова, давлат меҳнат техник инспектори Б.Фаёзов иштирокида Э.Юсупов билан суҳбат ўтказилиб, аризининг саволларига жавоб берилди.

Жондор пахта тозалаш акциядорлик жамияти Б.Юсуповнинг вафоти сабабли унинг оиласига (зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган хотини Дилором Каримовага) бир йўла берилдиган 13 млн. 253 минг 242 сўм ҳисобидан 2 млн. сўм нақд пул берилган. Қизи Эргашева Дилноза номига 2009 йил 18 мартда банкда ҳисоб рақами очилиб, унга 6 млн. 626 минг 621 сўм кўчирилган. Қолган пуллар хотини Д.Каримова ёзма розилик хат бериши билан унинг номига ўтказилиши тўғрисида завод раҳбарияти қафолат берди. Боқувчисини йўқотганлиги сабабли Б.Юсуповнинг хотини ва қизига ҳар ойда 122716 сўмдан товуни пули берилмоқда.

Дафн маросимини ўтказишга корхона томонидан 500 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилган.

**Б.МУҲАМЕДОВА,**  
вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

### Қишлоқ тadbиркорлари

**Россия Федерациясининг Иваново шаҳридан жондорлик тadbиркор Мизробжон Икhtiёровга яна кўнгирик бўлди. — Яқинда олган сочиқларимиз ҳақдамай тугайди. Хариддорлар талаби эса ортиб бораёпти. Илтимос, навбатдаги туркум маҳсулотлар жўнатилишини тезлаштирсангиз...**

**Орадан икки кун ўтар-ўтмас Новосибирск шаҳридан ҳам шундай илтимос тушди. Мизробжон фурсатни бой бермай, галдаги маҳсулотларни жўнатиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришга киришди.**

**Бу Жондор туманидаги «Шижоат-текстиль» фирмаси раҳбари Мизробжон Икhtiёров фаолиятидаги ягона ҳолат эмас. Айниқса, жорий йилда унинг ишлари юришгандан юришди. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Қўш, олдий қишлоқ фарзанди қандай қилиб Россиянинг йирик шаҳарлари билан ишлаб чиқарини, савдо алоқаларини йўлга қўйди?**



пайтларда қўллаб ривожланган мамлакатларда бу борада номунасонлиқ юзага келмоқда. Аммо юртбошимиз танлаган йўлдан бориб, мамлакат иқтисодиёти ривожига оз бўлса-да ҳиссамизни қўшиш ҳаракатидамиз.

Жамоа раҳбарининг фикр-режалари асоссиз эмас. Улар корхонасида ишлаб чиқаришнинг нафақат барқарорлигини сақлаб туриш, балки унинг ривожланиши учун ҳам саяё-ҳаракат кўрсатаётир. Жумладан, жорий йил бошида бу ерда 25 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатган бўлса, бугун уларнинг сони 40 нафарга өтди.

Амалдаги режаларга кўра, жорий йил охиригача 350 минг АҚШ долларига тенг ёки 80 фоиз момиқ сочиқ экспорт қилишини кўзда тутилган. Бу — ўтган йилга нисбатан беш ба-

### Фирма маҳсулотлари — экспортга

Истиқлол қўлар қатори унга ҳам кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Университетнинг икки факултетини битириб, қўшалоқ диплом олган 25 ёшли навқирон йигит ҳеч иккиланмасдан кичик корхона ташкил этди.

Мизробжоннинг кичик корхонасига дастлабки пайтда Юдуз Сирожева, Шарифа Икhtiёрова сингари 5 нафар малакали ишчи қабул қилинди ва уларга ёшлардан шогирдлар тайинланди... Орадан 8 йил ўтди. Бу давр мобайнида корхонада ишчилар сони ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми сифати ҳам кескин өсди. Қўшимча цехлар қурилиб, уларда замонавий хорж дастгоҳлари ўрна-тилди. Бу билан экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкони туғилди.

Масалан, ўтган йили турли ўлчамдаги ўн турдан ортиқ бири-биридан чиройли момиқ сочиқлардан Россиянинг савдо уйлари орқали сотилгани 68 минг АҚШ долларига тенг келди. Бу ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 38 фоизини ташкил этди. Ички бозорда ҳам 300 миллион сўмлик сочиқ сотилди.

— Замондан ортда қолмаслик учун дунёдаги иқтисодий вазиятдан хабардор бўлиб бораман, — дейди фирма раҳбари М.Икhtiёров. — Кейинги

### Сурхондарё томонларда

## Қумқўргонда музей

**Қумқўргон туман ҳокимлиги, Маданият ва спорт ишлари бўлими, «Қамолот» баллар ижтимоий ҳаракати, халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси туман бўлими ва бир гуруҳ ижодкорлар ташаббуси билан «Мерос» тарихий-бадий, ижтимоий музей ташкил қилинмоқда.**

— Музей Қумқўргоннинг тароққибт йўли, унинг фидойи инсонлари, полковлар, човонлар, довраққил спортчилар фаолиятидан ҳикоя қилади. Ҳозирда музейга туман тарихини акс эттирувчи турли хилдаги ашёлар қабул қилинмоқда.

**Ўтмиш билан бугунги кўприк ана шундай муҳим манбалар асосида тикланади, — дейди «Мерос» тарихий-бадий, ижтимоий музей ташкилотчиларидан бири Чори Маманазаров.**

**Рустам ДАВЛАТ,**  
«Ishonch» мухбири

□ Ғамхўрлик — асосий мезон

# Аъзоларимиз саломатлиги —

## БИЗНИНГ ҚУВОНЧИМИЗ

дейди Кўнғирот минтақавий темирйўл тармоғи ҳудудий касаба уюшма кўмитаси раиси Алламберган Шукруллаев

Марат Сарсенбоев Кўнғирот минтақавий темирйўл тармоғида меҳнат қилаётган 5000 дан зиёд ишчиларнинг бири. Унинг темирйўлчилар ўртасида мамлакат миқёсида ўтказилган мусобақада шахмат бўйича биринчи ўринни қўлга кириштириши жамоадорлар қувончига сабаб бўлди. Марат оғанинг ўзи эса буни корхонада ходимларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун яратилган шароит билан боғлайди.

— Ишдан бўш вақтимизни «Локомотив» спорт клубида ўтказамиз, — дейди Марат оға. — Бу ерда спортнинг бир қанча тури билан шуғулланиш имконияти бор.

Минтақавий темирйўл тармоғи ҳудудий касаба уюшма кўмитаси раиси Алламберган Шукруллаев маъмурият билан тузилган жамоа шартномасида ходимлар саломатлигини мустақамлаш билан боғлиқ қатор шартлар акс эттирилганини таъкидлайди. Уларнинг ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида тармоқ қошида «Локомотив» спорт клуби ҳамда «Кўнғирот» санаторий-профилакторийси ташкил қилинган.

Спорт клуби ўтган йили капитал таъмирланиб, янги жиҳозлар билан таъминланди. Клубда карате, бокс, волейбол, баскетбол, теннис, атлетика, шейпинг тўғрисида фаолият кўрсатади. Машғулотлардан сўнг бассейнда чўмилиш мумкин.

— Биз бу ерга келган ҳар бир ходимга ҳушнудлик бахш этишни истаймиз, — дейди клуб директори Қувват Пўлатов. — Бунинг учун шароитимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етарли. Саломатлик гуруҳларимизнинг ҳар бири кунига 30-35 нафар аъзони қабул қилади. Сакен Усеров, Пўлат Норбоев каби мураббийларимиз ҳар бир киши билан алоҳида машғул олиб боради.

Корхонанинг «Локомотив» футбол жамоаси Қорақалпоғистондаги энг кучли командалардан ҳисобланади. У ўтган йили республика чемпионатида ғолибликни қўлга киритди.

Таъкидлаш жоизки, спорт клуби эшиклари нафақат ишчи-хизматчилар, балки уларнинг оила аъзолари учун ҳам очиб қўйилган. Тўғрақларга соҳа ходимларининг 140 дан зиёд боласи жалб қилинган. Машғулотларнинг самарадорлигини ошириш, аъзолар сафини кенгайтириш мақсадида ҳар бир тур бўйича ойда икки мартадан мусобақалар ташкил қилиниб, ғолиблар касаба уюшмаси томонидан рағбатлантириб борилади.

Спорт клубининг дарак ва гулларга бурканган ҳовлисига чиқсангиз, унинг ёнгинасида яна бир иморатга кўзингиз тушади.

Бу корхонага қарашли 100 ўринли «Кўнғирот» санаторий-профилакторийси биноси бўлиб, замон талаблари асосида жиҳозланган. Абдумалик Собиров бошчилигидаги 65 кишилик жамоа даволанувчиларга сидқидилдан хизмат кўрсатади.


— Санаторий-профилакторий 9 ой фаолият кўрсатади, — дейди касаба уюшма кўмитаси раиси Алламберган Шукруллаев. — Ёз мавсумида бу ерга болаларни тақлиф қиламиз. Бу йил ҳам санаторий-профилакторийда ташкил қилинган оромгоҳда соҳа ходимларининг 250 нафар фарзанди ҳам дам олиб, ҳам тиббий муолажалардан баҳраманд бўлади. Булардан кўзлаган мақсадимиз нафақат аъзоларимиз, балки уларнинг фарзандларини ҳам саломат кўриш, бу орқали оилалардаги тотувликни, хотиржамликни таъминлашдир. Аъзоларимиз саломатлиги — бизнинг қувончимиз, маъмурият учун эса иш унумдорлиги демек.

Муҳаббат ТўРАБОВЕВА, «Ishonch» мухбири



**К**асаба уюшманинг вазифа ва бурчини кўпчилик англашга интилади. Ташкилот фаолияти, мақсад ва режалари кўллаб кўргазмалли воситаларда акс эттирилган. Хусусан, Пайариқ туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши бу борада етарлича саъй-ҳаракат кўрсатмоқда.

**Суратда:** туман кенгаши раиси Раҳмат Маҳмудов янги аъзоларга ташкилот вазифалари ҳақида тушунча бермоқда.



### □ Коллеж ёшлари ҳаётидан

**Кўпчилик ўзига иш ўргатган одамни устоз деб билади. Назаримда, хунар ўрганаётган кишига ишонч билдириш ҳам устозлик саналади. Чунки келажак сари одимлаётган йигит ё қизни ён-атрофдагилар кўллаб-қувватласа, юракда иштиёқ кучаяди, жасорат ва шижоат жўш уради.**

# Жасорат уйғотувчи куч

— Биз ёшларимизни ҳар қадамда ўз куч ва иқтидорига ишонириб бораемиз, шунинг учун ҳам уларнинг кайфияти баланд, илму хунарга ижодкорона ёндашишади, тез-тез ташаббус кўрсатиб, заковат беллашувлари ва спорт мусобақаларини ҳам ўтказишмоқда, — дейди Андижон вилоятининг Избоскан туманидаги Транспорт касб-хунар коллежи раҳбари Муҳаммадхон Раҳимов.

Ҳақиқатан ҳам бу ерда саккиз йўналиш бўйича таълим олаётган ёшлар аллақачон касб кўникмасини ҳосил қилишган. Касб сирларини ўрганишдан ташқари, хунармандчилик ва спортнинг кўпгина турлари бўйича мусобақаларга қатнашишади. Масалан, улар волейбол, баскетбол, шахмат-шашка беллашувларида нафақат туманда, балки вилоятда ҳам алоҳида ўринни эгаллашган. Бу

ўқув масканида таҳсил олаётган кам таъминланган оила фарзандларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга коллеж маъмурияти бош-қош. Жумладан, уларга байрамларда моддий кўмак уюштирилиб, ўқиш

ва касб ўрганишда маълум имтиёзлар берилади. Бу жиҳатдан коллежнинг педагог ва ўқувчилар жамоаси ўртасида дўстона муносабат ўрнатилган. — Ўқувчиларнинг ғайратига ҳавас қиласан, киши.



Улар педагог ва ишлаб чиқариш усталаридан янада кўпроқ билим ўрганишга интилиб, интернет тармоғи орқали чет элдаги ёшлар ҳаётидан огоҳ бўлиб туришади. Ўзлари эгаллаётган йўналишлар — транспортларни бошқаришни ташкил этиш, автомобилларни синанаш, йиғиш, транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш сингари кўллаб тармоқлар бўйича хорж тажрибасини ўзлаштиришаётганини айтмайсизми?! — дейди М. Раҳимов фахр билан.

Устозлар ишончи ҳамиша шогирдларга куч бағишлайди, тўғри йўлдан боришга кўмаклашади. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида кўзда тутилган мақсад ҳам шу. Ёш давлатимизнинг чинакам бунёдкорлари бугунги йигит-қизлар эканлигини ҳисобга олсак, уларнинг ҳаётига, эгаллаётган касбига, ўрганаётган хунарларига масъуллик туйғуси билан ёндашмоғимиз лозим. Зеро, ортимиздан келаётган ёшларга ишончу эътиборимиз уларни юрт эртаси учун муносиб кадрлар бўлиб улғайишига мадад беради.

Мавлуда ТУРСУНОВА, Андижон вилояти

### Хабар

## Минтақавий лойиҳа

**Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциациясида «Одам имунитети танқислиги вируси тарқалишининг олдини олишда фуқаролик жамиятининг ўрни» лойиҳаси тадбиқ этила бошланганлиги муносабати билан тадбир ўтказилди.**

Тадбирда ушбу лойиҳанинг мақсади ва вазифалари ҳақида кенг маълумот берилди. Жумладан, давлат, фуқаролик жамияти ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ОИВ касаллигининг олдини олиш энг долзарб масалалардан бири эканлиги таъкидланди. Лойиҳанинг муҳим жиҳатларидан бири, «2009-2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ — инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича ҳаракатларнинг Миллий режаси»ни бажариш доирасида давлат муассасалари билан нодавлат ташкилотлари ўртасида ижтимоий ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилганлигидир. Таъкидлаш жоизки, ОИВСни назорат қилиш лойиҳаси соғлиқни сақлаш йўналиши бўйича биринчи минтақавий лойиҳа ҳисобланиб, тўрт йилдирки, Марказий Осиёнинг тўрт давлати — Қирғизистон, Қозғоғистон, Тожикистон ва Ўзбекистонда самарали амалга ошириб келинмоқда.


Тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири

# Абдусайд КУЧИМОВ

## УМРНИНГ

# БИР ПАРЧАСИ



1

15 май — туғилган куним. Иккиси кам олтмиш йиллик ҳаётимда бирон марта ҳам бу кунга алоҳида ургу ёки тантанавор тус берган эмасман. Аммо ҳар йили эсида бор дўст-ёрлар қутлайди.

Бу йил ҳам... Ёрта билан ишга келиб, таниш-билишларнинг табриғига миннатдорлик билдириб ўтирган эдим, бир пайт телефон гўшагида чиннидай жарангдор нотаниш овоз эшитилди. Андак ҳайрон бўлдим.

— Табриклайман! Саксонга тўлибсиз!

— Раҳмат, раҳмат, — дедим бу суҳанни ўзимча тушуниб.

— Танимадингиз-а? Мен Ферузахон, Феруза Жалилова, «Тонг юлдузи»дан. Эсладингизми?

Эсладим. У билан бирга ишлаган кезларимизда энди турмуш қурган, ойдекина келинчак эди. Хозир, адашмасам, катта одам — бош муҳаррир ўринбосари.

— Бу йил севган газетангиз «Тонг юлдузи» саксонга тўлади, — давом этди Ферузахон. — Шу муносабат билан бир китоб тайёрлаяпмиз. Газетамизда ишлаган журналистларнинг хотира ва эсдаликларидан иборат. Ростини айтсам, китоб тайёр бўлди ҳисоб. Тўқсон фоиз одам ёзиб берди. Сизга кечроқ хабар бераётганимнинг сабаби шуки, телефонингизни тополмадим. Яхшиямки, Икром Утбосаров билар экан. Абдусайд ака, сиз газетанда энг кўп ишлаганларнинг бирисиз, бир неча йил муҳарриримиз бўлгансиз. Китобда сизнинг мақолангиз, албатта, бўлиши керак. Фақат тезроқ ёзиб беринг, ҳўпми?

«Ҳўп» дейишга дедим, аммо Ферузахоннинг талаби негадир баданимга сингишмади. Газета-журналларнинг юбилей саналари муносабати билан хотиралар битиш, тўпламлар яратиш кўп эски анъана. Бироқ бундай эсдаликларнинг аксарияти зерикарли, бир хил бўлади. Балки маъруз аъёнанинг ўзиям эскирган чиқар? Мана, «Тонг юлдузи» саксонга қиринди. Саксон йил ичида қанча журналистлар ишлаб кетган бу даргоҳда. Энди газета саксонга тўлди деб шуларнинг хотирасини китоб қилиш шартми? Тўғри, мен ҳам ишлаганман. Аммо ишлаган бўлсам, текинга ишламагандирман. Ойлик олганман, бола-чақа боққанман, обрў-эътибор қозонишга интилганман... Ҳаммаям шундай қилган, шундай қилади. Ҳўш, бунинг нимаси қизиқ? Нимасини ёзамиз? Ёки у-бу деб мақтанайми? Толстой ё Балзак, Фафур Фулом ё Абдулла Қаҳҳоримидики?..

Орадан уч-тўрт кун ўтар-ўтмас Ферузахон яна сим қоқди. Худди қарзини талаб қилаётгандек:

— Тайёрми? Китоб босмахомага тушиши керак! — деди. Овозида андак пўписа ҳам бордай эди.

— Синглим, банд эдим шу кунларда, — дедим кўнглига ботмайдиган қилиб. — Сиз овоза бўлманг, тайёр бўлиши билан ўзим телефон қиламан, майлими?

Хуллас, ёзишним, ёзмаслиқним билолмай юрганимда Эркин Маликов учраб қолди.

— Мен ёзиб бердим! — деди Эркин ака завқ билан. — Шу бахона кўп нарсалар эсга тушди. Бир қуламан, бир ўйлайман. Умр сувдай оқибди-кетибди-и!

— Мен эса нима ёзишни билмай юрибман, — дедим қуруқгина.

— Э, улманг! — ошқора ажабланди Эркин ака. — Сиз шундай деб ўтирсангиз. Энг катта тўполонлар сизнинг даврингизда бўлган-ку! Биргина «Правда»нинг калтаги бутун бошли қисса эмасми?! Э, офарин...

Эркин аканинг мана шу «юмошқ» кесатиғидан кейин ҳам қўлим ишга боравермади. Ёзмаслиққа бахоналар қидириб ўзимни чалғитдим. Ферузахон ҳам телефон қилмай қўйди. Балки «ўзи сим қоқди» деб қутаётгандир. Балки «ёзмайди, менсимайди» деган уйда қўлни ювиб, қўлтиққа ургандир. Эҳтимол... Аммо ҳайрон қолгилу жойи шунда эдики, кунлар ўтган сайин Эркин аканинг гапи бот-бот эсга тушаверди: «Правда»нинг калтаги, «Правда»нинг калтаги...». Вужудимнинг чекка-чеккаларида кўмилиб ётган хотиралар

бахорий бойчечаклар янгли гуллаётганини сездим. Кўзларимни юмиб ҳаёл сурганим сайин бойчечаклар гўж-гўж очилди, тилла япроқчалари кўёш нурларида ял-ял товланди ва ҳар хил воқеалар борлигини қамраб бораверди. Газета саҳифаларида ташкил этилган турли конкурс, мусобақа, учрашувлар, бахс-мунозаралар, «Ёзувчи дарс ўтади» руқнида атоқли шоир ва адиблар берган сабоқлар... Ижодий жамоадагиларнинг бир-бирига ўхшамаган қиёфалари, қилиқлари, одалари; летучкалардаги тортишувлар, тортишувларда Бердибой Эргашевнинг (жойи жаннатдан бўлсин): «қурбақани боссанг вақ этади» дея тирашиб-талашиб «Светафор»ни химоя қилишлари; Эркин Ҳўжаевнинг бош муҳаррир фикрларини унинг қарашларидан чаққонлик билан илб кетишлари; Эркин Маликовнинг кўзларини пирпиратиб бахсларни майин-майин давом эттиришлари; Икром Утбосаровнинг гўнғиллаб-гўнғиллаб фикрида оёқ тираб туришлари; гапиратиб Шохрух Акбаровнинг тутилиб-тутилиб қолишлари; бутун жамоа билан Бўстонлик, Янгийўлга, Нуротага қилган сафар-саёҳатларимиз; Қизилча даштларида бақир-чақир билан футбол ўйнаганларимиз; «Данак» операцияси... Фақат шу операция тўғрисида ҳар йили болалар тўплаган данаклардан Кўкон ёғ-мой комбинатида тонналаб шифобахш ёғ олиндири. Эслаган сайин юрагим гўпуриб, хотиралар тиниклашиб бораверди. «Тонг юлдузи»да ўтган давлар умримнинг бир парчаси — энг азиз парчаси эканини чуқур ҳис қилдим. Ундан кетолмаслигим, у вужудимга қўшилиб ўзимга айланиб кетганини яққол сездим. Буни қарангки, ёзаман деса ёзгулик воқеалар бор экан.

2

...1972 йилнинг киши.

Уша йили институтни тамомлаганман, «Ўқитувчи» наشريётида корректор ёрдамчиси бўлиб ишлайман. Сомина опа деган қаттиққўл бўлим бошлиғи бор. Ишга бир минут кечиксанг ёки бир минут олдинроқ кетиб қолсанг, «қонингни ичади». Иш пайтида бирон киши сўраб келгудек бўлса, сенга қўшиб меҳмонингни ҳам ер билан битта қилиб ташлайди: «Дардинг бўлса, уйига бор. Бу ер — ишона!» Опага бир кимса чурқ этолмайди. Билганлар орқаваротдан: «Ўқитувчи» наشريётининг «концлагери» дейишади бизнинг бўлимин. «Концлагердан қутулолмай юрганимда, раҳматли дадам (жойи жаннатдан бўлсин, қайнота дейишга тилим бормаиди), шоир ва олим Шамси Одилов «Ленин учқунига ўтасизми?», — деса, севинчдан кўзларим порлаб кетибди. «Редактори Сўҳроб Йўлдошев билан гурунглигиб қолувдик, — деди у киши қулимсираб. — Бўш жой бор экан». Қулоқларимга ишонгим келмайди. Бу газета билан «Ўқитувчи» наشريёти Навоий кўчасида, машҳур «Навоий-30» деб аталувчи бинонинг учинчи қаватида жойлашган эди. Газетчиларнинг эмин-эркин юришлари, хоналарда кулишиб, ҳазил-хузил қилиб ўтиришлари ич-ичимдан ҳавасимни келтирарди. «Менга ҳам шундай жойларда ишлаш nasib этармикан?!» деб армон қилиб юрар эдим. Омадни қарангки, бахт деганларни қутилмаганда кучогини катта очиб бағрига босди.

Шундай қилиб, янги жамоага қўшилдим. Бизнинг хона ўша бинонинг ўнг қанот зинаполярлардан учинчи қаватга чиққан жойда — ўнг қўлдаги биринчи эшик. Хонада олти киши ўтирамиз. Тўрда, кўчага қараган катта деразанинг икки бикинида икки бўлимининг бошлиқлари жойлашган: ўнга адабиёт ва санъат бўлимининг бошлиғи Султон Жаббор, чапда хатлар ва оммавий ишлар бўлимининг бошлиғи Мавлуда Юсупова. Ҳар бўлимининг ходимлари ўз раҳбарлари қаторида — Султон Жабборнинг ёнида Жўшқин (унинг фамилияси Юсупов эди адашм) ҳам. Жўшқин адабий тахаллуси бўлиб, бу тахаллус унинг табии мутлақо ўхшамас — бўш-баёв, юмошқ, сўксанг ҳам илжайиб туради. 1 мўмин йигит эди у. Баҳоли қудрат шөрлар ёзиб турган бу йигит юртига, Наманганга кетди-ю, республика матбуотида кўринмай қолди, Жўшқиндан кейин Тўмур Убайдулло ўтиради. Мавлуда Юсупова бош бўлган қатор ўртасини Турсуной Аҳмедова, пойгағни каминга эгаллаган.

Султон Жабборнинг олдига келиб-кетувчи шоир-ёзувчиларнинг кети

«Ишонга Наф Келтириш — олий бахт» танловига

Ғузурлик Эшпарда



Эшпардани излаб борганимизда Совлигар қишлоғидаги 64-мактаб ўқитувчиси Алламурад Жалиловдан тушган аризани ургангани кетган экан.

— Бизнинг раис тиним билмайди, — дейди Ғузур туман халқ таълими бўлими мудир Б.Бозоров. — Кеча 5- ва 31-мактабларда янги ўқув йилига қандай тайёр-гарлик кўрилатгани билан танишгани борган эди. Биз таълим ва фан ходимлари бирлашган касба уюшма қўмитаси хасобчи Сайфи Умбаров билан ҳужжатларни ўрганиб турганимизда ўзи ҳам келиб қолди.

муассасаси бор. У ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари учун астойдил жон куйдиради, кам таъминланган оилалар, етим-есирлар ҳолидан хабар олади. — Эшпардани болалигидан танийман, — дейди бир неча йил туман халқ таълими бўлимига мудирлик қилган Ҳусниддин Нуриддинов. — Ёшлиги педагог оила-сида ўтган бу камтар йигит ўз ишини яхши билади. Тарбия оиладан бошланади. Эшпарданинг отаси Махмуд Ниёзов қарийб ярим аср Ғузур туман халқ таълими бўлимини бошқарган аҳойиб инсон эди. Йигирмадан ортиқ мактаб ва боғча қурилишига бошчилик қилган. Шогирдлари орасида шоир ва ёзувчилар, фан докторлари, йирик корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари бор. Эшпарданинг онаси, саксон ёшли Саломат момо Назирова Махмуд бобо билан ўн бир фарзандни халқимизга хизмат қиладиган фидойи қилиб тарбиялади. Ҳозир момо эликдан зиёд неварачавара даврасида бахтли ҳаёт кечиради. Ниёзовлар оиласида Марҳамат, Муҳаббат, Мукаррам, Мусаллам, Шокир, Шоҳида, Эшпарда, Каромат муаллимлик касбини таллашди. Эшпарда умр йўлдоши, боғча тарбиячиси Инобат Алимардонова билан уч йил, бир қизни улғайтирмакда. — Бобомдек, отамдек муаллим бўламан, — дейди тўнғич қизи Мафтуна. — Ғузурда касба уюшмаларининг ташкилотчилиги ва услубий ишлари яхши йўлга қўйилган, — дейди таълим ва фан ходимлари касба уюшмалари вилоят кенгаши раиси Шодмон Қўбаев. — Ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя, меҳнат муносабатлари, бошланғич ташкилотлар фаолиятдан ўрناк олса арзийди. Бирлашган касба уюшма қўмитаси томонидан ходим-

ларга бир ярим йил ичида 4 млн. сўмдан ортиқ моддий ёрдам берилди. Ҳамийлар ҳисобидан кам таъминланган оила фарзандларини дам олдиришга 14 млн. сўм сарфланди. Юздан зиёд ходимнинг сихаттоҳларда даволаниши учун йўлланма берилди. — Касба уюшмасининг имтиёзли йўлланмаси билан «Қашқадарё соҳили» сихаттоҳида даволаниб келдим, — дейди 71-мактаб ўқитувчиси Абдуазим Абдумуродов. — Бизга ғам-ҳурлик кўрсатгани учун касбақўмдан миннатдорман. Таълим муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамлини бормоқда. 1 млрд. 900 млн. сўм сарфланиб, Чукуч қишлоғида янги мактаб қурилади. Даштобод, Эскибоғ, Яргунчи, Галча қишлоқларида янги мактаб, Шукран кўрғонидида «Махлиб» боғчаси қад кўтарди. Ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида иш юритилган қўмитанинг йиғилишларида таълим тарбия самарадорлигини ошириш, жамоа шартномалари ва ҳудудий келишувларда белгиланган имтиёз ва кафолатларнинг бажарилиши атрофида кўриб чиқилмоқда. Таълим муассасаларида Меҳнат кодекси ва «Меҳнатни муҳофазат қилиш тўғрисида»ги қонун ижроси, бошланғич ташкилотларда ташкилий-услубий ишларнинг йўлга қўйилиши, ходимлар донава билан уч йил, бир қизни улғайтирмакда. — Касба уюшма қўмитаси ташаббуси билан «Маънавият — дил қўзғуси», «Энг намунали бошланғич ташкилот», «Сиз қўнунни биласизми?», «Энг обод таълим муассасаси» каби танловлар ўтказилиб, ғолиблар рағбатлантирилди.

Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ishonch» мухбири

Ҳаёт ва қонун Ноқонуний фаолиятга чек қўйилди

Балиқчи туман давлат солиқ инспекцияси Жисмоний шахсларга солиқ солиш ва назорат қилиш бўлими участка инспекторлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг «Спирт ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан 2009 йилнинг 2-чорагида бир қатор тадбирлар ўтказилди. Жумладан, Балиқчи тумани Сиза маҳалласида яшовчи Ойбек Отахонов 2009 йил 21 май кuni белгиланган тартибда


давлат рўйхатидан ўтмасдан Сиза қишлоғида жойлашган дўконда спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари билан савдо қилганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат бўйича 39.200 сўмлик арок, 41.400 сўмлик пиво, 21.750 сўмлик сигаретлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. 22 май кuni худди шу сабабга кўра, Охунбобоев ҚўФнинг Ботир маҳалласида яшовчи Шохиста Махмудовдан ҳам 38.000 сўмлик арок, 12.000 сўмлик пиво, 21.200 сўмлик пиво далилий ашё сифатида олинди. Шунингдек, Эски Ҳаққулобод қишлоғида

яшовчи Ойбек Маматқулов ҳам шу тарзда ноқонуний даромад топаётганлиги маълум бўлди. Ҳолат бўйича белгиланган тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилиб, умумий қиймати 60.000 сўмлик маҳсулотлар савдосига чек қўйилди. Юқоридеги уч ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тўпланган ҳужжатлар жиноят ишлари бўйича Балиқчи туман судига юборилди.

Р.ЮЛДАШЕВ, Балиқчи тумани ДСИ бошлиғи

Мамлакатимизда юқори сифатли ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтириш, ички бозорни улар билан бойитиш, тайёр товарлар ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялашга катта эътибор қаратилди.

Фаровонлик сари



Президентимизнинг 2009 йил 28 январда қабул қилинган «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Унга кўра, ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланди. 2009-2011 йилларда ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг тармоқ ва минтақавий дастурлари ишлаб чиқилди. Бу борада янги ташкил этилаётган корхоналар учун қулай шароит яратиш, жумладан, янги моддий-техника базасини барпо этиш ва мавжуд базани модернизациялаш юзасидан бинолар ва ер участкалари ажратиб, барча зарур ҳужжатларни кадастр бўйича расмийлаштириш, қурилиш ва капитал реконструкция қилишга руҳсатнома бериш кўзда тутилган. Шу жиғилари билан мажкур ҳужжат хатимизда муҳим аҳамият касб этади.

Зафар ВАҲАПОВ, Чилонзор тумани ДСИ шўъба бошлиғи

Солиқ имтиёзлари

Президентимизнинг 2009 йил 26 январда «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдариш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида фуқароларимизга кўпгина имтиёзлар яратилди. Жумладан, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эътиборини таъминлаш, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқариш маҳсулотлар билан тўлдириб, қишлоқларда замонавий техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи илҳам корхоналарни ташкил қилиш имкониятлари яратилди.

Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туман ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда ҳар бир қишлоқ туманида мавжуд иссиқхоналарга қўшимча равишда ёқилгининг муқобили манбаларидан фойдаланадиган енгил конструкцияли 5 тадан иссиқхона барпо этиш, шунингдек, юқоридеги вазирлик ва ҳокимликларнинг «Меъсабабзавоттайёрловсавдо» компанияларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилиниб, қайта ишлаш корхонаси, агрофирма, фермер ҳўжалиги, озиқ-овқат (деҳқон) бозори, тижорат банки, транспорт ташкилоти ҳамда бошқа корхоналар мазкур компанияларнинг муассиси бўлиши мумкинлиги кўрсатилган. Унга кўра, фаолият тури бўйича гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашадиган микрофирма ҳамда кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкаси 50 фоиз камайтирилади, бўшайдиган маблағлар ишлаб чиқариш корхоналарини техник қайта жиҳозлаш ва модернизациялашга, янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга, хомашё базасини ривожлантиришга йўналтирилади. Шунингдек, улар гўшт ва сут етиштириш ҳамда уларни қайта ишлашда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва Ўзбекистон Вазирлар Маҳка-

маси томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ четдан олиб келинадиган технология ускуналари, уларнинг эҳтиёт қисмлари, ёрдамчи материаллар ва компонентлар учун бож тўлашдан озод қилинади. Шу билан бирга, 2009 йилда сановат кооперацияси асосида тайёр маҳсулот, бутловчи буюм ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури бўйича берилган имтиёзларни томичилиб сугориб тизимини жорий қилиш учун машина, механизм ва ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналарга ҳам тадбиқ этиш назарда тутилган. ДСИ ходимлари томонидан Президентимизнинг ушбу қарори моҳияти ва соликлар бўйича берилган имтиёзлар ҳақида тадбиркорларга семинар ва учрашувларда тушунтириш ишлари олиб борилмакда. Бугунги кунда туманида фаолият кўрсатаётган 5 та гўшт ва сутни қайта ишловчи ҳусусий тадбиркорга юқоридеги қарорнинг 5-бандига асосан юридик шахс мақоми берилди. Улар имтиёзлардан фойдаланиб республикаси аҳолиси илҳам сифатида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни мақсад қилган.

Р.НОСИРОВ, Собир Раҳимов тумани ДСИ шўъба бошлиғи

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Федерация кенгаши аъзоси, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг Наманган вилояти бўйича вакили ҲАБИБУЛЛО АБДУРАХИМОВнинг вафот этганиги муносабати билан оила аъзоларига чукуч тарзья изҳор этади. Тошкент шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг Кенгаши ва тармоқ касба уюшмалари шаҳар ташкилотлари Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси Омонулло Иноғамовга волидан муҳтарамаси НАФИСАХОН аянинг вафот этганиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши, Марказий кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги вакилликлари, Тошкент шаҳар тармоқ касба уюшмаси кенгаши жамоалари Марказий кенгашининг Наманган вилояти бўйича вакили ҲАБИБУЛЛО АБДУРАХИМОВнинг вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради. Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши Тошкент шаҳар касба уюшма кенгаши раиси Омонулло Иноғамовга онаси НАФИСАХОН аянинг вафот этганиги муносабати билан чукуч тарзья изҳор этади.

узилмайди. Қуддус Муҳаммадий, Пўлат Мўмин, Ҳақим Назир, Тolib Ибдуло, Йўлдош Сулаймон, Миразиз Аъзам, Тўлқин, Барот Исроилов, Ҳабиб Саъдулла, Ҳабиб Раҳмат, Рауф Тolibов... Раҳматли Сафар Барноев бўлса кунда-шундалардан. Султон Жаббор асосан «улуғ»ларнинг кўнглини овлар, ора-сира улар билан кўчага чиқиб кетиб, қизариб-қизиб қайтиб келарди. Жўшқин билан Темур Убайдулло бош кўтармай ёш қаламкашларга жавоб ёзди. Биз — Турсуной Аҳмедова билан ҳар кун келадиган қол-қоп хатларнинг сарагини-саракка, пучагини-пучакка ажратамиз. Ҳозир қандай, билмайман, анго ўша кезлари кунига юзлаб хат келарди, шу хатларнинг ҳаммаси энг аввал бизнинг қўлдан ўтади. Биз уларни ўқиймиз, саралаймиз, бўлимларга ажратамиз, назоратга оламиз ва натижасини кузатамиз. Бош муҳарриримиз Сўхроб Йўлдошев масалани жуда кескин қўйган: «Битта мактуб ҳам жавобсиз қолиши мумкин эмас!». Минглаб хатларни ўқиш, рўйхатдан ўтказиш, назоратда ушлаш ва жавоб йўллаш мундоқ қараганда зерикарига ўхшайди. Аммо менга — «концлагер»дан қутулиб келган одамга, аксинча, мароқли; кун қандай ўтгани сезилмайди. Тахририят ҳузурда «Еш қаламкашлар» тўрагаги ҳам бўлиб, унинг машгулотларини гоҳ Жўшқин, гоҳ Темур Убайдулло, онда-сонда Султон Жаббор олиб борар эди. Бирда-йрим шевър-пешър маъқ қилиб турганимни билган Султон Жаббор, шу соҳа ҳам эгалик бўлсин деб йўлади шекилли, тўраганини менга топширди. Жон деб кўндим. Тўра-рак аъзолари орасида умидли болалар кўп эди. Бешинчи синфда ўқийдиган Кавсар Турдиева шуларнинг бири бўлиб, отаси Шерали Турдиев фидойи олим, ўтқир журналист эди. Тез-тез тахририятга келиб турар, гоҳида машгулотларда қатнашиб, болаларга катарин қурбонлари тўғрисида ҳикоялар айтиб беради. Олманинг тағига олма тушади деганларидек, Кавсаройим ота изидан борди, филология фанлари номзоди бўлди, бир неча шевърй ва илмий китоблар чикарди. Тўра-рак аъзолари орасидан етишиб чиққан бундай қобилияти кишилар оз эмаслиги айрича ифтихор бағишлайди қўйилган... «Тонг юлдузи»да вақт ўтгани сезилмасди. Энди, орадан салкам қирқ йил ўтганидан кейин орта қарасам, нафақат кунлар, ҳатто йиллар ўтгани ҳам билинмабди. Бу орада катта мухбир, бўлим бошлиғи бўлдим. Эркин Ҳўжаев ҳозирги «Ўзбекистон овози»га ишга ўтганидан кейин муҳарриримиз масъул котиблик вазифасини менга топширди. Газетада муҳаррир ўринбосари лавозими йўқ эди — масъул котиб янни вақтда редактор ўринбосари ҳисобланарди. Аканг қарагай бир хотини икки фарзанд билан ижарада яшайди-ю, баъзан эрталаб ишга давлатнинг машинасида кетиб, кечқурун машинада кириб келади! Анчадан кейин «Шарқ юлдузи» журналга ўтдим. Ҳеч қачон журнал оstonасига яқинлашмаганим тўғрисида даставвал ундаги юмушларни ўзлаштириш қийин кетди. Институтдаги устозим, бош муҳаррир Пирмат Шермухамедов доимо қўллаб-қувватлаб турди. Ишни энди-энди ўргандим деганда, 1987 йилнинг куйида, Аҳмаддон Мелибоев қандай ўргандим қолди. Аҳмаддон ака секада — мафкура бўлимида хизмат қилар эди. Айтгандай, шу орада газетада ҳам анча ўзгаришлар бўлди. Сўхроб Йўлдошев бошқа ишга ўтди. Урнига аввал Жаббор Раззоқов, кейин Абдураҳим Абдуллоев келди. Раҳматли Абдураҳимнинг умри қисқа экан — ҳали ўттизга тўлмади Сирдарёга чиқиб кетди. Сермулоҳза ва камтар Абдураҳим ҳаммаининг меҳрини қозонган эди. Қутилмаган фожа барчани қайғуга ботирди. Ўзбекининг улуг шоири Абдулла Орипов кўзда ёш билан Абдураҳимни оқизган дарёга қарата шундай сатрлар битди: Шаҳарлардан узок, Кентлардан йироқ, Оқасан ўзининг овутиб гўё, Юришинг соқини туришинг овлоқ, Номинг ҳам шу сабаб асли Сирт дарё, Тўлқинларинг тиниб чашмадек сиздинг, Ҳар дилда уйғотиб шафқат-раҳмини, Шундай аҳволингда қандоқ оқиздинг, Узингдан ҳам ювшо Абдураҳимини.

...Мелибоев қақирди. — Сизни «Ленин учқуни»га юбормоқчимиз, — деди лўнда қилиб. — Нима дейсиз? «Масала»дан хабарим бор эди — миш-мишлар кулгогимга чалинган, ҳар эҳтимолга қарши жавоб ҳам ҳозирлаб қўйган эдим. — Ишим яхши, энди-энди ўргандим. У-бу ёзаялман, агар илоҳи бўлса, жойимда ишлаб турсам... — Илоҳи йўқ! — деди расмий тарзда. — Масала ҳал бўлган, тегишли ташкилотлар билан келишилган. Секакомсомолга бориб Дилшоҳдон Дадажоновга учрашинг, — сўнг расмиятчиликни юмшатоқчи бўлими: — Узингиз катта бўлган даргоҳ, мустақил вазифа, ёмон бўлмайди, — деб кузатиб қўйди. Дилшоҳдон Дадажонов — секакомсомолнинг биринчи котиби билан сўхбат самимий ўтди. Илик гаплар айтиб руҳлантирди, бирига ишлайдиган мамнунлигини билдирди. Ташкилотдаги бошқа раҳбарлар, бўлим мудирларининг гапларида ҳам долдир ки қилувчи қитмирилди сезилмади. Аммо булар — муаммонинг яри, асосийси марказда — Москвада ҳал бўлади дейишди. Биз — Ҳақим Пирмухамедов иккимиз куз адоқлатлар кунларнинг бирида уоқча миндикда, «қайдасан, Москва!» дея йўлга тушидик. Сафар арафасида Москвада ўқиган, ўрислардан ошана-огайни орттирган, паст-баландини билди деб «Еш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон»)нинг бош муҳаррири Жаббор Раззоқовдан «консультация» олдик. «Иккита қовун, иккита Булғунурнинг «марчиини» вноиси, икки ҳовуч Уқораннинг майизи-ю Фарғонанинг листа-бодоми — вес Москваени сотиб олиш мумкин ана шу билан, — деди Жаббор ака ва кула-кула қўшиб қўйди. — Бир жуфт кази эсдан чиқмасин, «азиятский виагр» деб ўлиб қолишадди. Шу асно, сўраб-суриштириб, сека ВЛКСМнинг идорасини топдик. Каттик ҳажжон ва ташвишдамиз — худди сундинг қора курсисига бораётган гуноҳкорлардек сезамиз ўзимизни. Эшиқдан кирар-кирмас «тергов» бошланди-ю, минг турли саволлар билан силламиниз кунтади деган хатардан қўнғил безовата. Бунинг устига ўзимизникилар савола-жавоб «ёмон қучли» бўлади деб баттар ваҳима қилишган. Бўлмаса, бир ойдан зиёд тайёрландик, комсомол, партия деганларининг тарихи «конспект» қилинган, рақамлару фактлар ёлланган. Бироқ ваҳима дегани ёмон-да, ҳатто Ҳақим акадек (у «Еш гвардия» — ҳозирги «Янги аср авлоди» нашриёти бош директорлигига номзод) қоруви, қадамлари мардона одам ҳам комсомол қароргоҳининг дубдан ясалган маҳобатли эшиқларидан ичкари кирган, алланечук довидира қолди. Бир неча қаватли бионинг узундан-узу коридорлари жим-жит эди, онда-сонда эшиқлардан шошиб чиққан фасон йигит-қизлар галустларини хилпиратиб, юбкаларини шилдиратиб ёнгини ўчиришга кечикаётган одамдай ҳовлиқиб ёнимиздан ўтиб кетади. Қидирган масъул ходимнинг эшигини тақиллатдик. Эшик кулф; қўшни хонадаги жингалаксоч йигитдан сўрасак, бизга керакли одам шошилчинг «командировка»га кетиб қопти. Нима қилишни билмай, сўраб-суриштирдик. Хайрон қоларлиси шуки, бизнинг ташрифдан ўзи йўқ ходимдан бўлак ҳамма беҳабар экан. Охири бўлим бошлиғининг ўринбосарини топдик. Виталий бирболоевич деган жиккакина, сап-сарик олифта экан. У аввалига «сизни ким қақирган ўзи?» дея энса қотирма қилди. Тўрхалтадаги қовунлардан бирини узатганимиздан кейин «О! Азиятский мёд!» дея кўк қўзлари ўйнаб кетди ва аллакимага телефон қилиб хузурига чорлади. Хал ўтмай тиллоранг сочлари пешонасида жилваланиб турган, фаранг қўғирчоги каби нозиккина бир қиз дафтарақалимини қўлда шай тутганча кириб келди. — Галичка, — деди мулойимлик билан кўккўз. — Булар тасдиққа кепти. Серёжа сафарда. У келгунича буларни «Красний уголок»ка олиб бор. Нима қилишни тушунтир. Галичкага эргашиб узундан-узу коридорнинг адоғидаги чорсу хонага бордик. Деворлар шонли комсомолнинг жанговар фаолиятини мадҳ этувчи плакат ва шорлар билан безатилган, ўртадаги тўртбурчак столда аллақанча газеталар тахлами қатор териб қўйилган. Га-

Уйғоқ фикр



# Имконият чегараси

рилувчан бўлади. Шу боис зоҳиран қанчалик жўнға ўхшаб кўринмасин, имконини барибир аниқ мақсад ва қарчигизга мост келадиган, тўғрироғи, сиз ундай оладиган ишингиз ривожига сарфланг. Келинг, энди гапни чўзмай, ўзимга имкон текканидан унумли фойдаланиб қолай. Мен бўлажак филолог бўлганим боис, аввало маориф соҳасида ўзгаришлар қилишга интилардим. Аввалдан ўйлаб юрган бир қатор режаларимни амалга оширишга ҳаракат қилардим.

Биринчидан, мактабларимиздаги одоб-ахлоқ масаласи. Отам ўқитувчи бўлганим боис ўқувчилардан «бе-зор» бўлган пайтлари шундай деб қоларди: «Бизнинг ўқувчилар пайти-мизда ўқитувчиларнинг ҳурмати балан-д эди. Қўрқанимиздан эмас, ба-ҳоли қудрат ҳурмат қилганимиздан кўзларига тик қаролмасдик. Айна пайтда эса бутунлай акси — ўқувчи-лар ўқитувчиларга еб кўйгудек бўлиб қарашди. Топшириқларга жуда бе-фарқ муносабатда бўлишди». Демак, ўқувчиларнинг одобига, масъулиятли

бўлишига эътибор берардим.

Иккинчидан, ҳозирги пайтда айрим мактабларимиздаги ўқитиш жараёнидан қониқиш кийин. Бир гал Қарши шаҳридаги мактаблардан бирида дарс берадиган муаллим билан ҳам-суҳбат бўлганимда, у ўқувчилар устоз-ларини ҳурмат қилмай қўйганини, дарс пайтида ҳам хоҳлаган ишлари-ни бемалол қилаверишини, танбех эса умуман таъсир қилмаслигини кў-рди гапириб қолди. Хўш, бунда ўқувчилар айбдорми ёки ўқитувчи-лар? Менимча, ҳар икки томон бир-дек сабабчи. Баъзи ўқитувчиларимиз жуда ҳафсаласизлик билан дарс ўти-шди. Бир бало қилиб 45 дақиқани ўтказишса бўлди. Ҳатто шундай вази-ятлар бўладики, география дар-сини ўтаётган муаллим умуман дарс-га тааллуқли бўлмаган кундалик во-қеалар ёки сериаллар ҳақида гапи-риб ўтиради. Кўриниб турибдики, улар бугдой ўрнига арпа экадилар-да, ҳосил нега бошқача дега ҳаф ва ҳам бўлишди. Яна бир томон, ўқувчи-ларнинг билим даражасига эътибор

суст. Бола нихол, уни қандай парва-риш қилсангиз, шундай ўсади. Бунинг учун педагогдан касбий маҳорат талаб этилади, ҳолос.

Айрим ўқувчилар ҳам дарсга жуда бефарқ эканлигини сезиш қийин эмас. Балки замонавий технология-лар: компьютер, DVD плейерлар, ин-тернет, оммавий ахборот воситалари-даги кўнгулчор дастурлар бунга са-баб бўлаётгандир. Уларни ушбу таъ-сирдан ҳалос этиш ҳам педагоглар зиммасидаги масъулиятли вазифа.

Мен берилган имкониятдан фойда-ланиб, юқоридаги каби камчиликлар-ни бартараф этардим. Мукамал иш жараёнини йўлга қўярдим. Яқинда бир курсдошим Андижон туманлари-дан биридаги мактабда амалиёт ўта-б қайтди. У таассуротини қуйидагича баён қилди: «Мактаб мамурлари (ра-қобатдан чўчишди) илиқ кутиб олишмаган бўлса-да, дарс ўтишига шароит яратиб беришди. Аввалига бироз чўчидим. Болалар мени қан-дай қабул қилар экан, деган ўй таң-вишлантлар эди. Аммо бекорга ха-

вотирланган эканман. Улар менга ўрганиб қолишди. Дарс ўтиш жараё-нида имкон қадар янгича усуллардан фойдаланишга уриндим. Узимча янги методик йўللار ўйлаб топдим. Ўқув-чиларни фикр эркинлигига ўргата бошладим. Дарсга бефарқ болалар-ни ҳам қизиқтириш мақсадида турли-фан ўйинларини қўладим. Қарабси-зи, она тили ва адабиёт фанига ўқув-чиларнинг қизиқиши бирдан ошиб кетди. Ҳатто иш бошлаганига кўп бўлмаган ёш ўқитувчилар ҳам менинг дарсимга кириб, дарс ўтиш усул-ларини ўргана бошладим».

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, аслида ўзимизни кашф этишга, кўрсатишга имкон бор. Фақат уни кўрмаймиз ҳолос. Агар инсон ўзида куч топа ола, албатта, мақса-дига етади. Мен ҳам имкониятдан фойдаланиб, муҳитга кўникишим эмас, балки муҳитни янгилай оли-шим керак.

Ҳамманинг ўз мақсади бўлади. Энг асосийси, у жамият манфаатига хиз-мат қилсин. Масалан, мен учун моҳир муаллим бўлиш катта бахт. Сеҳрли қалпоқча, учар гилам, олтинлар биж-ғиб ётган хазина — эртандан бошқа нарса эмас. Аслида, умр мақсад ва меҳнат билан мазмунлидир.

Акмал ЭРГАШ



**Muassis:**  
**O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi**  
**Bosh muharrir:**  
**Abduxoliq Abdurazzoqov**  
**Tahrir hay'ati:**

**Alla DOLJENKOVA,**  
**Anvar YUNUSOV,**  
**Dovud MADIYEV**  
(Bosh muharrir o'rinbosari),  
**Jahongir SHAROFBOYEV**  
(Mas'ul kotib),

**Ma'mura ADILOVA,**  
**Mirzohid SODIQOV,**  
**Normamat AIYOROV,**  
**Nosirxon AKBAROV,**  
**Oysuluv NAFASOVA,**  
**Pirimqul QODIROV,**  
**Sog'indiq NIYETULLAYEV,**  
**Shamsi ESONBOYEV**

**Bo'limlar:**

**Kasaba uyushmalari hayoti**  
256-87-63

**Huquq va xalqaro hayot**  
256-87-73

**Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat**  
256-87-74

**Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport**  
256-82-79

**Xatlar va muxbirlar bilan ishlash**  
256-85-43

**Reklama va e'lonlar**  
256-03-90

**Manzimiz:**

100165,  
Toshkent shahri,  
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy  
E-mail:  
mail@ishonch.uz

**Nashr ko'rsatkichi:**

133

**Navbatchi muharrir:**

**D.Rahmonova**

**Navbatchi:**

**N. Maxamov**

**Musahhirlar:**

**S.Shodiyeva**

**Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.**

**Sahifalovchi:**

**H.Abduljallilov**

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etiladi.**

**Korxonamanzili:**

«Buyuk Taron» ko'chasi, 41-uy.

**O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi**

0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

**Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.**

**Hajmi 2 bosma taboq.**

**Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soltuvda erkin narxda.**

**«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**(H) - Tijorat materiallari**

**Bosishga topshirish vaqti - 21.00. Topshirildi - 21.00**

**Буюртма Г — 557**

**18263 nusxada bosildi**

**ISSN 2010-5002**

**2 5 6**

## Истеъдодлар орасида

**Болалигимда «Кўғирчоқлар — менинг дўстларим» деган кўрсатувни яхши кўриб томоша қилардим. «Бичахон» билан «Қачалполвон» энг сеvimли қаҳрамонларим эди. Ҳозир улар ҳам катта бўлиб қолишди... Бугунги кичкинтойларнинг эса ўз қаҳрамони бор. Ким дейсизми? Сиз уни яхши танийсиз. Бу «TV-марказ»-да эфирга узатиладиган «Baby Terra Landiya» кўрсатувининг қаҳрамони «Вебо»дир.**

«Вебо», яъни Умид Дада-жонов билан шаҳримиздаги кўркам болалардан бирида уч-рашдик. Улар сайилгоҳда ажойиб томоша кўрсатаётган экан.

— Бу менинг биринчи иш-хонам, — гурурланиб деди

шундан бошланган. Мактабни битиргач, Маннон Уйғур номи-даги Ўзбекистон давлат санъ-ат институтига ҳужжат топши-риб, талаба бўлдим. Кейин эса Аҳмад Жалоловнинг тақлифи билан «Вебо»га айландим. Кўрсатувимиз болалар ораси-

руҳимиз аъзолари билан та-ништираман.

**Мўъжазгина хонага ки-рар эканман, аввало, бу ердаги турфа дипломлар-у фахрий ёрликларга кўзим тушди.**

— Ха, бу нафақат менинг,

тақдирландик.

2005 йили институтда «Эстрада — 2005» танловида ота-бола мавзусидаги «Бахт-ли ота» деб номланган эстра-да йўналишидаги чиқишим билан 1-ўринни олгандим. Бунда институтдаги устозла-рим: Шермат Ҳайитбоев ва Фатхулла Ҳужаевнинг хизма-ти катта бўлган.

Дипломларни кўздан кечи-рар эканмиз, хонага кириб келган Республика мадани-ят ва истироҳат боғлари раҳ-барлари кенгашининг коти-би Мирзааҳмад Содиковни ҳам суҳбатга тордик:

**— Ҳар бир инсон-нинг бошқаларга ўхша-майдиغان томонлари бўлади. Умид ҳақида нима дея оласиз?**

— Умид 2007 йили «Кўғирчоқ театри актёрли-ги» факултетини битирди. У талабалик давридаёқ ҳам ўқиб, ҳам ишларди. Умид 2006 йили жамоамиз билан бирга «Диёр оханлари» рес-публика телевизион фести-валида қатнашиб, бутун во-дй ахлининг қалбидан ўрин олиб қайтди. Шунингдек, у «Шум бола» театри жамоаси билан меҳрибонлик уйлари ҳамда ногиронлар боғчалари-да учрашувлар ўтказиб, болаларнинг меҳрига сазо-вор бўлмоқда. Унда «бир актёр театри» деган нарсаси бор. У ёлғиз ўзи томоша кўрсата олади. Бу актёрликда катта ютуқ ҳисобланади. Бунинг учун инсонда туғма қобили-ят бўлиши керак.

«Вебо» ҳақида шунча яхши гаплар эшитаман деб ўйла-магандим. Сизнинг ҳам унга ҳавасингиз келаётган бўлиши аниқ. Балки кимлардир унга «Бор-йўғи бир кўзинчқ бўлса...» дея гайрилик қилиш-ни ҳам билаётган бўларди. Аммо гўзаллиқни севган одамдан ёмонлик чиқмайди. Келинг, биз ҳам унга ҳавас қилайлик. Ана шунда у каби болалар-нинг сеvimли қаҳрамонига айланамиз.

**Назира БОЙМУРОВА**  
**суҳбатлашди**

# Сиз уни

Умид томошадан сўнг. — Мана, беш йилдирки, Тош-кент шаҳар Фафур Фулом но-мидаги маданият ва истиро-ҳат боғида ташкил этилган «Шум бола» кўғирчоқ театри-да ишлаб келмоқдаман.

Ҳозир иккита иш билан шуғулланаяман. Лекин ик-каласида ҳам болалар билан мулоқотда бўлам. Бирида экран орқали, бирида эса юзма-юз.

Узим ҳақида гапирадиган бўлсам, 1984 йил июл ойи-да Фарғона вилояти Қувасой шаҳрида туғилганман. Бола-лигим кўй-қўзи, эчки-улоқ-лар орасида ўтган. Оилада ёлғиз ўғилман. Отам Ибо-дулла Дадажонов Қувасойда-ги «Самар филм» студияси-нинг раҳбари, шу билан бир-га, расом ва моҳир ҳайкал-тарош. Бобом Аҳмадулло Дадажонов кўп қиррали истеъдод соҳиби эди (илоҳим, жойлари жаннатда бўлсин). У киши ҳайкалтарош, расом, гижжакчи ҳамда кўшиқчи бўлган.

балки бутун гуруҳимизнинг ютуғидир. Масалан, шу йил-нинг апрел ойида Бухорода Қишлоқ тараққиёти ва фаро-вонлиги йилига бағишлаб Маданият ва спорт ишлари вазирилик томонидан ўтказилган хаваскор театр жамо-алари ва кўғирчоқ театри-нинг аънаваний кўрик-фес-тивалида юқори бадий са-виядаги томоша дастури бил-ан иштирок этганимиз учун 1-даражали диплом билан



# Танийсиз

**— Истеъдодларнинг ораси-да ўсган экансиз. Нега сиз ҳам кўшиқчи, расом ёки ҳайкалтарош бўлмай, бирданга «Вебо»га айлан-иб қолдингиз?**

— Мактабда ўқиб юрган пайтларимда синфхонамизга кўш нурлари тушиб турарди. Шунда ўртоқларимга деворда пайдо бўлган сояда ҳар хил ҳаракатлар билан кўғирчоқ театри қўйиб берардим. Кўғирчоқларга қизиқишим ана

да шу қадар оммалашиб кет-дики, ҳар ҳафта улардан 700 дан ортқ хат оламиз.

**— Қачондан бошлаб «шум бола»сиз?**

— Талабаликнинг иккинчи йили режиссёр Рустам Соди-ков мени Фафур Фулом номи-даги маданият ва истироҳат боғида янги очилган «Шум бола» кўғирчоқ театрига ишга тақлиф қилди. Шундан бўён-шу боғнинг «шум бола»сига айландим. Юринг, сизни гу-

## УМРНИНГ БИР ПАРЧАСИ

(Боши 2-3 бетларда)

Энди Эркин Маликов айтган «Правда»нинг калтаги» ҳақида. Воқеа тафсилоти мана бундай: фидойи инсон, тарихчи Махид Хасанов билан Урта Осийнинг Россия томонидан қандай босиб олингани тўғрисида бир саҳифалик материал тайёрландик. Са-вол-жавоб тарзидаги мақсуд суҳбат «Урта Осий босиб олинган-ми ёки қўшиб олинганми?» деган сарлавҳа билан газетанинг 1989 йил 5 сентябр сонидан эълон қилинди. Мавзу нозик экани билардик, шунинг учун ўзимиздан бир жумла ҳам қўшма-дик, нафақат ўзбек, ҳатто Урта Осий олимларининг мулоҳаза-ларидан ҳам атайин фойдаланиб, фақат рус тарихчиларининг фикрига таяндик. Факт ва рақамлари содда ва тушунарли тар-зда ифодалашга интилдик. Болаларга оғир тушулган мумкин бўлган мураккаб воқеаларни четлаб ўтдик. Қисқаси, бир кали-ма бўлса ҳам ёлғон йўқ эди суҳбат-мақолада.

Мақола чиқди. Ҳеч қандай эътироз бўлган эмас. Аксинча, кўпчилик ўқитувчи, тарихчи, ёзувчи-шоирлар табриклашди. Фан доктори Абдулаҳад Мухаммаджонов: «Урта Осий матбуотида биринчи бўлиб тарихий ҳақиқатни кўрқмай кўтариб чиққаннингиз учун раҳмат!», — деди астойдил севиниб. Ҳамма бало 14 сен-тябрдан бошланди. Шу кун «Правда» газетасида бир қулоч ма-қола босилиб чиқди. Мақолага «Правда»нинг Ўзбекистондаги мухбири ва академик Эркин Юсупов имзо қўйган эди. Шўро-лар ҳокимиятининг бош газетасида болалар учун чиқадиган «пи-шакнинг қулғо»дек кичкина газет тўғрисида бундай катта, бу-нинг устига танқидий мақоланинг чиқиши фавақулда ва кўрқинчли ҳодиса эди. Биз ҳам қаерлардан «реакция» бўли-шини тусмоллагандик. Аммо «Правда»дай «отакон»нинг аччиғи чиқди, деган ўй етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаганди. Мақо-лада «...пионер газетаси ёш авлодни коммунистик партия ишига

садоқатли, совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат аъналарига содиқ қилиб тарбиялаш, ёш ленинчиларга со-циалистик ватанга муҳаббат, унинг душманларига нафрат туй-уларини синдириш ўрнига тарихни бузиб кўрсатиш, социали-стик ҳақиқатни сохталаштиришдек ярамас иш билан шуғулла-наёттир, бундай ноўғай ҳаракат ёш авлоддан тўғри йўлдан чал-итади, мурғак қалбларга миллатчилик уругини сочади...» каби-лидаги айбловлар гиж-гиж эдики, ваҳимадан лабингга учук то-шиб кетарди. Мамлакатнинг бош газетаси танқидидан кейин ку-тилган муҳши жараён бошланди: партия, комсомол оёққа турди; мақола «Ёш ленинчи» газетасининг 16 сентябр сонидан кўчириб босилди; таҳририятга бир неча кишилик «комиссия» ташланди. Текшир-текшир бошланди.

«Тузлашни комсомолнинг биринчи котиби бошлаб берди: — Нима қилганини биласанми?! — деди жиғибийрони чи-қиб. — Дунёга шарманда қилдинг! Иттифоқда машъал ташки-лотни! Мени!»

Марказқўмнинг мафкура бўйича котиби бўлмиш...нинг да-дагалари комсомолниқдек қўпол эмаса-да, ҳамма ва ваҳима-ли эди:

— Сийёсий қўрлик дейилади бу. Бундай қимсаларга нисба-тан қандай ҳазо берилишини билсангиз керак.

Мен ўзимни вазим одам деб ҳисоблайман. Ҳар нарсага жиртақлик қилишни жиним суймайди. Еши ўзимдан улуғлар ҳузурда одоб саклаб жим ўтириш керак, деган ақидага алом қиламан. Аммо гоҳида ўзимни тушунолмай, бошқаролмай қола-ман. Ушунда ҳам шундай бўлди.

Мафкура бўйича котибининг, қайси соҳадан экани эсимда йўқ, аммо фан доктори, профессор, академиклигини билар-дим. Лекин олим кишининг Урта Осий қўшиб эмас, босиб олинганини тан олмаётгани менга алам қилди. Расул Раҳмо-нов (мафкура бўлими мудирининг муовини) бу хонага кириш-дан аввал «оғир бўласиз, гап қайтармайсиз, айбдорман деб ту-раварсиз» дея қайта-қайта тайинлашга қарамай ўзимни бо-сиб туролмадим. Айнакиса, котибининг:

— Бундай мураккаб муаммо билан шуғулланадиган профес-сорлар, махсус кафедралар, целеий институтлар бор. Юрвер-майсани горн-барабанингни чалиб, — деган кесатикларидан сўнг...

— Домла, бошқалар-ку... Сиз, шундай катта олим, акаде-

мик, биласиз-ку. Айбим нима?

Эътирозим у кишига ёқмади.

— Кўринишинг туппа-тузук бўлсаям ҳали «дуб» экансан, — деди-да, ижирганиб Расул Раҳмоновга юзланди:

— Тавба, бунанганг «зелёний» болаларни ким редактор қилиб қўяди? — Сўнг яна менга қараб сўради. — Балки қаҳрамон бўлгинг келпекетганди? Эки Эркин Юсуповдан ҳам ақлимисан?

Дарҳақиқат, Эркин Юсупов... Мен у кишини танимас эдим. Аммо шўхратли олим сифатида орқаворатдан ҳурмат қилардим. Ҳурматли академикнинг мақсур гафига бош бўлиб тургани ақлга сиғмайдиган ҳодисадай туюларди. Кейин, тўполонлар босилган-дан сўнг бировлар «домла»ни мажбур қилишган» деди, биров-лар «ўзида «популизм» бор эди» деди. Нима бўлгандаям раҳ-матли домла ўз обрўсига ярашмаган ишга шерик бўлган эди.

Хуллас, воқеа яқини бундук: текширувлар тугаб, хулосалар чи-қарилгач, «дело»ни Биринчи котибга опкирадилар. Биринчи ко-тиб — иш бошлаганига ҳали икки ой ҳам тўлмаган Исом Қари-мов — ҳужжатлар билан танишиб чиққанидан кейин: «Пионер иш-лари билан пионерлар шуғуллансин. Сиз ўз ишингизни қилинг», — деган экан. Қатъий ва аниқ қилиб айтилган ана шу бир оғиз гапдан кейин ёнгилар ўчди, бўронлар тинди...

5

Биринчи ишхона худди ёзувчи-чикувни ўргатган мактаб, му-раккаб ҳаётга тайёрлаган институт каби азиз ва қадрдан ҳамма учун. «Тонг юлдузи», гарчанд рўйхат бўйича иккинчи ҳисоблан-са-да, менга биринчисидан юз қарра улуғ ва мўътабар. У дипло-мига кўра она тили ва адабиёт ўқитувчиси бўлган хаваскор қаламкашга ёзишни ўргатди, журналистика оламига олиб кир-ди. Шу даргоҳда одам танидим, олам танидим, мабодо битта-яримтага танилган бўлсам яна шу даргоҳ «айбдор». Яхши кўра-ман бу газетани. Қарзим кўп ундан...

Ферузахон синглимининг кистови баҳона ўтмишга қайтиб, бир пайтлар ўтган йўллардан яна юргандек, таниш-билишлар, ошна-оғайниллар билан гурунглашгандек, хотиралар уммонига ботиб, гоҳ ёнги тортиб, гоҳ қараёт ўтирганида Ферузахон теле-фон қилиб қолди.

— Тийёр! — дедим сўрашини ҳам кутмай. — Бир пасдан кейин қўлингизда бўлади.

2009 йил 27 май